

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Ҳайдаров</b> Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва моҳияти.....	101
<b>Т.Ахмедов</b> Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни.....	106
<b>Ғ.Раҳмонов</b> Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув ҳўжалиги тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари.....	110
<b>С.Ахмедов</b> Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли манба сифатида.....	115
<b>Р.Расулова</b> Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида .....	121

АДАБИЁТШУНОСЛИК

<b>А.Сабирдинов, Д.Муратова</b> Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оилавий қадриятлар масаласи .....	126
<b>Э.Жабборов</b> Ўзбек миллий адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
<b>Б. Абдураҳмонова</b> “Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138

ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ғ.Хошимов, Н.Комилова</b> Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар майдонининг қиёсий тадқиқи .....	144
<b>Н. Умарова</b> Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм структураси.....	149
<b>Г.Розиқова</b> “Девону луғотит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши .....	155
<b>А.Базарбаева</b> Инглиз тили дарсликларида машқлар тақдимотининг назарий асослари .....	160
<b>Д.Рахматуллаева</b> Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
<b>Б.Баҳриддинова</b> Замонавий ўқув луғатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
<b>Н.Суярова</b> Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг шаклланиши .....	172
<b>Б.Сулаймонов</b> «Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ф.Тошпўлатова</b> Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш тамойиллари .....	180
<b>Г.Саидова</b> Бошланғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва воситалари .....	184

ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грудков, В.А.Каримов</b> Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	
---	--

УДК: 41+808.2

## ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ ТАСВИРИ ВА “БЕЛГИ” ДЕНОТАТИВ СЕМАЛИ МЕТАФОРЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

### ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ ОТРАЖЕНИЕ МИРА И ФОРМИРОВАНИЕ МЕТАФОР С ДЕНОТАТИВНОЙ СЕМОЙ “ПРИЗНАК”

#### FORMING OF METAPHORS WITH DENOTATIVE SEME “SIGN” AND DESCRIPTION OF LINGUISTIC WORLD

Н.Суярова<sup>1</sup><sup>1</sup>Н.Суярова

Қарши давлат университети, мустақил изланувчи.

#### Аннотация

Метафора борлиқ ҳодисаларининг ўзаро ва инсон билан боғлиқлигининг натижасидир. Тил борлиқ ва инсонни ўзаро муносабатга киритади. Олам лисоний тасвирининг миллий ўзига хослиги метафоралаштиришда намоён бўлади. Метафоралар сирасида белги англатувчилари алоҳида ўрин тутаяди. Белги англатувчи метафора белги асосида ҳам, предмет асосида ҳам шаклланиши мумкин. Метафоралар асосдан бир неча босқичда узоқлашиши мумкин. Узоқлашиш даражасига кўра метафориклик сифати ортиб боради.

#### Аннотация

Метафора - это результат взаимосвязи человека и явлений, происходящих во вселенной. Язык вводит человека в отношения с реальностью. Национальное своеобразие отражения лингвистического мира проявляется в метафоризации. Особая роль отводится метафорам, означающим признак. Метафора, означающая признак, может формироваться как на основе признака, так и на основе предмета. Метафоры могут отдаляться от основы в несколько этапов. По мере отдаления повышаются их метафорические качества.

#### Annotation

Metaphor is the existence of interrelations of human and the event of the universe. Language makes people be in relations with the reality. The national features of the reflection of the linguistic world are shown in metaphors. The special place is given to metaphors denoting the sign. The sign denoting metaphor can be formed both on the sign and object. Metaphors can be stray from their bases. As far as they are distant from their bases their metaphorical qualities increase.

**Таянч сўз ва иборалар:** метафора, борлиқ ҳодисаси, тил, инсон, олам лисоний тасвири, метафоралаштириш, белги метафораси, предмет асосли метафора, метафорик асос.

**Ключевые слова и выражения:** метафора, явление действительности, язык, человек, лингвистическое отражение мира, метафоризация, метафора признака, метафора с предметной основой, метафорическая основа.

**Key words and expressions:** metaphor, existence event, language, human, description of linguistic world, metaphorization, metaphor of sign, object oriented metaphor, metaphorical basis.

Оламнинг лисоний тасвири жаҳон тилшунослигининг долзарб, мунозарали ва ечимини кутаётган масалаларидан. Оламнинг лисоний тасвири (ОЛТ) дунёнинг бир бутун глобал тасвири, у инсониятнинг барча маънавий фаолияти натижаси бўлиб, оламнинг миллий лисоний тасвирларидан синтезланади. Ҳозирча фан масалани оламнинг миллий лисоний тасвири даражасидан юқори кўринишда тадқиқ қилишга ўтгани йўқ [1,111-112]. Оламнинг лисоний тасвири дунёнинг глобал тасвири сифатида бир миллат ёки халқ эмас, балки умуман инсоният онгида унинг олам билан

барча алоқалари асосида шаклланади. Дунё тилларида универсалиялар бўлгани каби, оламнинг лисоний тасвирида ҳам умумий константалар мавжуд. Шунинг учун “оламнинг лисоний тасвири”, “оламнинг миллий лисоний тасвири”, “оламнинг умумий лисоний” тасвири тушунчалари моҳиятан умумлашса-да, ўзаро умумийлик-хусусийлик диалектикаси асосида фарқланувчи тафовутларга ҳам эга. Демак, оламнинг лисоний тасвири деганда, дунёнинг умуман инсон онгидаги акс этган образи, яъни индивиднинг умуман шахсий тажрибаси ва ақлий фаолияти натижасида вужудга келган

## ТИЛШУНОСЛИК

дунёқарашни тушуниш лозим [2,87]. Метафора ҳосил бўлиш механизми, метафоризация жараёнида ҳам ана шундай умумий универсалияларни кузатиш мумкин.

Бугунги кунда метафорани таснифий ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Дунё тилшунослигида уни мавзу юзасидан ўрганиш, услубий типларини аниқлаш, грамматик разрядларини ажратиш борасидаги ишлар алоҳида эътиборга молик. Бу масалада ўзбек тилшунослигида ҳам арзигулик ишлар амалга оширилмоқдаки [3,90-93], уларни шаклланаётган лингвокультурология, лингвокогнитология, структур семантика каби йўналишларнинг ютуқлари сифатида эътироф этмоқ лозим. Бироқ метафоранинг грамматик разрядлари масаласида ўзбек тилшунослигида олиб борилаётган тадқиқотлар етарли эмас. Шу боисдан дарслик ва қўлланмаларда метафора ҳодисасининг таълимига доир мавзулар доирасида асосан от ва сифат метафоралар берилаётганлигига, бошқа туркум доирасидаги метафоралар, унинг грамматик тадқиқи амалга оширилмаганлиги ва бу борада лингвистик база шаклланмаганлиги сабабли, четлаб ўтилаётганлигининг гувоҳимиз.

Сифат метафоралар концептуал метафоралар тизимида концепт (предмет/ҳодиса) нинг нофаол белгисини ифодалайди ва унинг шаклланиш сценарийси замирида қиёслаш ва ўхшатиш ётади.

Белгини англатувчи метафораларни тавсифий метафоралар ҳам дейиш мумкин. Шу билан бирга, номлаш ва ажратиш вазифалари бундай метафораларда яхлитланади. Предмет/ҳодисани англатувчи метафоралар субстанциал метафоралар бўлса, белги англатувчи метафораларни атрибутив метафоралар деса бўлади. Атрибутив метафора мазмун-мундарижаси мувофиқ келадиган субстанциал метафора билан, одатда, параллел равишда намоён бўлади. Бу диалектиканинг атрибутдан ҳоли субстанциянинг, субстанциядан ҳоли атрибутнинг мавжуд бўлмаслиги ҳақидаги аксиоматик характерли методологик асос билан далилланиши мумкин.

Лисон ва нутққа муносабати жиҳатидан сифат метафораларни икки гуруҳга ажратамиз:

- лисоний (статик) метафоралар;
- нутқий (динамик) метафоралар.

Метафора нутққа кирар экан, иккита вазифани бажаришга йўналтирилади:

1) матн ҳосил қилиш ва яхлитлаштиришда қатнашади;

2) матннинг таъсир кучини оширади.

Асос маъноси “предмет” бўлган лексемалар ҳам кўчма маънода қўлланиб, белги англатишга ўтиши мумкин. Бунда белги англатиш лисонийлашган бўлиши ҳам, нутқий даражада қолган бўлиши ҳам мумкин. “Предмет” маъносини англатувчи сўзнинг “белги” маъносини ҳам ифодалаши туркий тилларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Тадқиқотчи Нилуфар Ширинованинг таъкидича, тилнинг борлиқ–тафаккур алоқасини ўзига хос система сифатида акс эттиришига қарамай, борлиқдаги “предметлик” ва “белги-хусусият” қоришмаси тилда ҳам намоён бўлади; тилда “предметлик” ва “белги-хусусият” маъноларини алоҳида-алоҳида ифодаловчи воситалар ҳам, уларни қоришиқ ҳолда ифодаловчи воситалар ҳам, бир вақтнинг ўзида гоҳ унисини, гоҳ бунисини кучайтирувчи воситалар ҳам мавжуд [4,160].

**Метафорик маънода валентлик ўзгаришининг семантик асоси.** Валентлик синтактик алоқа, эркин нутқий бирикувчилар сифатида намоён бўлар экан, бу семантикадаги ўзгаришлар асосида кечади. Лексема семемасидаги сифатий ёки миқдорий ўзгаришлар бирикувчилар сони ва сифатини ҳам ўзгартириб юборади. Айрим мисоллар келтираамиз.

Ўзбек тилида *бўш* сўзининг бош маъноси “физик жиҳатдан қаттиқ таъсир этмайдиган хусусиятга эга” маъноси ҳозирги кунда ҳам етакчи, асосий маъно. Бу маъносида у фақат предмет маъноли сўзлар билан бирикувлар ҳосил қилади: *бўш ер, бўш ёғоч* каби. *Бўш одам* бирикмасида ҳам бу валентликнинг сон жиҳатидан ўзгармаганлиги, сифат жиҳатдан янгиланганлигини кўраамиз. Ҳолбуки, у бу бирикувда ҳам биологик, ҳам психологик сифатларни намоён қила олади ва икки маъноли ҳисобланади: “жисмоний жиҳатдан хом”; “феъл-атвори қатъиятли бўлмаган”: тез нобуд бўладиган: 1. *Бу-ку мол, териси қалин; жони бўш қўй, эчкиларимиз ҳам чўп тишлаб, тупроқ ялаб, қишни ҳавода ўтказишди* (“Муштум”); 2. *Бу орада*

Викторга ўхшаган жони бўшлар эса куён бўлишди (Ш.Фуломов, Чўл бетида). 3. Хотин кишининг кўнгли бўш бўлади, ичида сир ётмайди, деб кўрққан эди (С.Аҳмад, “Уфқ”). У анча ишонувчан, итоатсўй, кўнгли бўш қизга ўхшайди. (“Ёшлик”). Шу метафорик маъно асосида ибора ҳам шаклланади: 1. Унинг **оғзи бўш**, сир айтиб бўлмайди унга. 2. Катталарнинг кўзи менинг чумчуқдай ўғлимга, яна бир қанча **оғзи бўш** камбағалларга тикилибди (Ойбек, Танланган асарлар).

Лексема метафорик қўлланишда ҳаракатнинг тарзини билдириши мумкин ва бунда унинг валентлиги ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан ўзгаради. Мисоллар: 1. Сухсур деган қуш бўлар, Тортсам, пати **бўш бўлар** (“Оқ олма, қизил олма”) 2. Унинг бир қисм **ғўзаси сувдан қолиб, қатқалоқ босган экан, юзига солиб**: -Ўзингиз хўб пишиқ **деҳқонсиз-ку, одамларга бўш қарабсиз-да**.- деб ёмон изза қилди (Ҳ.Назир, Маёқ сари). 3. Сан **бўш хаёл қилма**, Ман ҳеч бир вақт сандан ажралмам (Ҳамза). Унинг бу валентлиги асосида қўшма феъллар ҳам шаклланади: 1. Курашда қайтади деб ўйлайсанми, ахир, биз ҳали **бўш келадиган** йигитлардан эмасмиз (М.Қориев, “Ойдин кечалар”). 2. Лекин энди Тўрткўз ҳам **бўш келмади** (С.Анорбоев, “Ҳамсуҳбатлар”). 3. Одатда **офтоб билан ошно киши унча-мунча касалликларга бўш келмайди**.

Феъл билан тобе-ҳокимлик муносабатига киришганда бўш лексемасининг фақат метафорик маъносидаги “белги” семаси “предмет/ҳодисанинг” эмас, балки “ҳаракатнинг” семаси билан ҳамкорлик қилади.

Қаттиқ белги сифати ҳам ўз ва кўчма маъноларда қўлланиб, от билан ҳоким-тобелик муносабатига киришганда ўз ва кўчма маъноларда, феълга тобеланганда эса фақат метафорик кўчма маъноси намоён бўлади. От билан боғланишидаги бош маъноси воқеланишига мисоллар: 1. **Қаттиқ жисмининг кристалл панжарасида атом ёки ион бўлмаган бўш туғунлар ҳосил бўлади** (“Политехника луғати”). 2. Вольфрам – юқори ҳароратда эрийдиган, оғир, жуда **қаттиқ оч кулранг металл**, Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент. 3.

Вольфрам пўлатларни легирлашда, ейилишга чидамли ва иссиқбардош қаттиқ қотишмалар олишда кенг қўлланади (“Политехника луғати”). 4. Мол **ғўштида эса бирлашма тўқима кўп ва дағал бўлгани учун қаттиқ** ва ҳазм бўлиши қийин (Н.Исмоилов, “Касалларни парвариш қилиш”). 5. Далабоп **қаттиқ тирикдан беш-олти метр оламан, деди Хўжараҳмон** (А.Убайдуллаев, “Ҳаёт оқими”). Берилган мисолларнинг барчасида қаттиқ лексемаси қотмоқ феълнинг деривати сифатида физик хоссани билдиради. “Ташқи физик таъсирга чидамлилиқ” қўлланган сўзларнинг барчасининг умумий моҳиятини ифодалайди. Бироқ, мисолларга эътибор қилинса, 5-гапта қўлланган қаттиқ сўзининг маъноси бирикувчининг хусусияти билан боғлиқ равишда бошқача англашилади. Зеро, газмолнинг қаттиқлиги металлнинг қаттиқлигидан фарқланади. Газмол металл, тош, қотишмалар каби “эгилмас-букилмас” даражада “қаттиқ эмас”. Бунда қаттиқлик “физик чидамлилиқ” мазмунида намоён бўлган. Худди шу маъно “қаттиқ” лексемасининг бош ва метафорик кўчма маъно оралиғидаги бўғиндир. Шу нуқтада миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришига ўтади.

От бирикувчилар билан келиб, кўчма маънода қўлланганда, мазкур семемадаги “физик” семаси кучсизланади ва семема ушбу “атом” сиз янги сифатга эга метафорик маъно вужудга келади. Мисоллар: 1. **Қаттиқ алам ёки ортиқ даражадаги завқ, қувонч каби ҳис-туйғуларни ифодалайди**. 2. Гирдибод тўзон, чанг, қум аралаш буралиб кўтарилувчи **қаттиқ шамол**; қуюн, ујорма, довул. 3. Дакки-ножўя иш, хатти-ҳаракат учун айтилган аччиқ гап, **қаттиқ танбеҳ**, таъзир, койиш. 4. Қараса, **қаттиқ бўрон** кўтарилиб, аждар қизни ўз дамига тортаётганмиш (“Олтин бешик”). 5. Газнинг **қаттиқ шамоли** одамни дамига тортади (П.Қодиров, “Эрк”). Бош семема (“ташқи физик таъсирга чидамлилиқ”) замирида ботинан “кучлилиқ” маъноси ҳам бор (зеро, чидамли нарса ташқи таъсирдан кучли бўлади). Кўчма маънода қўлланишда “чидамлилиқ” ўрнини ана шу ботиний “кучлилиқ” маъноси эгаллайди ва сўзловчи худди шуни назарда тутган ҳолда лексемани қўллади.

Лексеманинг феъл билан қўлланишларида “кучлилик” семаси замиридаги “меъерий” семаси ортади. Бу сифатий ва миқдорий ўзгаришлар лексеманинг синтактик валентлигини ўзгартириб юборади. Мисоллар: 1. *Ойсулувхоннинг дағаллиги Сувонжонга қаттиқ тегди* (С.Анорбоев, Оқсой). 2. *Латофатхон бу хатга ҳам жавоб қайтармаганидан кейин, Мирзаев “унақа гаплар мижозига тўғри келмади, шекилли” деб, қаттиқ хижолат тортди* (А.Қаҳҳор, “Кўк конверт”). 3. *Сиз деб қоқдим, яна балким қоқарман, Исён довулини қаттиқ қоқарман* (С.Абдулла, “Тоҳир ва Зухра”). 4. *Дружиналарга биркирилган уй-жой кварталларида жамоат тартиби қаттиқ муҳофаза қилинмоқда* (Газетадан). 5. *От туёғи қаттиқ дупурлади* (Н.Фозилов, “Дийдор”). 6. *Дуторчи дуторнинг қулоғини жаҳл билан қаттиқ бураб, торини узиб юборди* (А.Қаҳҳор, “Қанотсиз читтак”). 6. *Аҳ, нима ? .. Билишибдими ? -деди у ва ўз*

“кучли” (1)	“кучли” (2)	“меъеридан ортиқ”
қаттиқ бурамоқ қаттиқ муштламоқ	қаттиқ муҳофаза қилмоқ	қаттиқ тегмоқ қаттиқ туриб олмоқ

Айтилганлардан маълум бўладики, метафоризация, аввало, инсон ва тил, тил ва борлиқ, борлиқ ва борлиқ диалектикасининг намоён бўлишидир. Бу алоқадорлик объектив равишда мавжуд бўлиши ҳам, инсониятнинг миллий нигоҳи асосида субъектив тусда намоён қилиниши ҳам мумкин. Бу алоқадорлик предмет ва белги, белги ва предмет, предмет ва

*пешонасига ўзи қаттиқ бир муштлади-да, яна сўради: -Нима бало, мастлик қилиб алжиб қўйдингми? А!* (П.Турсун, “Ўқитувчи”). 7. *Эъзозхон эрининг йўлини тўсиб, қаттиқ туриб олди: ..Алоқ-чалоқ туш кўриб чиқдим. Қўйинг, бормамай қўя қолинг* (Ҳ.Ғуллом, “Машъал”). “Қаттиқ” сўзининг мисоллардаги қўлланишларини бирикувчилари билан ажратиш оламиз ва таҳлилга тортамыз:

Агар феъллар физик ҳаракатни ифодалаётган бўлса, “қаттиқ” сўзи ҳаракатнинг физик тарзини ифодалайди ва бундаги метафорик маъно (“кучли”) ни юқорида отлар билан ифодалаган кўчма маънодан кейинги ўринни эгалловчи маъно сифатида баҳолаш мумкин. *Хижолат тортмоқ, туриб олмоқ* каби руҳий ҳолат феъллари билан қўлланганда, учинчи тур маъно (“меъеридан ортиқ”) воқеланади. Демак, белги билдирувчи “қаттиқ” сўзининг феъл билан боғланишдаги метафорик маънолари уч босқичда воқеланади ва, бир вақтнинг ўзида, асос маънодан узоқлашади:

предмет, белги ва белги алоқадорлиги кўринишида намоён бўлиб, “белги” маъносини ифодаловчи бирликларнинг метафорик белги ифодалаши, “предмет” маъноли бирликларнинг метафорик “белги” ифодалаши турларида ҳам воқеланиши мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Вайсгербер Й.Л. Язык и философия//Вопросы языкознания, 1993, №2.
2. Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988.
3. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М., 2000 – [http://www.i.ru/biblio/archive/ter\\_jasik/01.aspx](http://www.i.ru/biblio/archive/ter_jasik/01.aspx). (май, 2004)
4. Махмараимова Ш. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти: Филология фанлари номзодлик диссертацииси. – Қарши, 2018.
5. Ширинова Н.А. Ўзбек тилида белги-хусусият ва предметлик маъноларининг фарқланишида градуонимик қаторлар: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 2012.
6. Клобуков П.Е. Метафора как концептуальная модель формирования языка эмоций // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Ред. В.В. Красных, А.И.Изотов. – М.: Филология, 1997. Вып. 2.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).